

ОДИЛЖОН НОСИФОВ

СИЗГА ҚОЛДИРГАНЛАРИМ



Одилжон НОСИРОВ

**СИЗГА
ҚОЛДИРГАНЛАРИМ**

Наманган - 2008

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси профессор Одилжон Носировнинг номи «Ўзбек адабиётида газал», «Ўзбек классик шеърияти жанрлари», «Ўзбек адабиётида тенденциялар кураши тарихидан», «Туташ наҳрлар», «Эски ўзбек ёзуви», «Ўзбек адабиётининг муҳим саналари», «Ан-Найм» номли арабча-ўзбекча луғат каби китоб ҳамда ўнлаб таржималарнинг муаллифи сифатида яхши маълумдир.

Олим ва устоз О. Носиров кўп йиллар давомида ёш авлодга таълим ва тарбия бериш билан бирга бармоқ ва аруз вазнида шеърлар ҳам машқ қилган эдилар.

Мазкур тўпلامни муаллиф ўз қўли билан нашрга тайёрлаганди, аммо китоб ҳолида кўриш у кишига nasib қилмади.

Устознинг фарзандлари шарофати билан нашр этилган ушбу тўплам шеърият мухлисларига яхши совға бўлади, - деб ўйлаймиз.

АРУЗДАГИ АРЗЛАРИМ

Наманганинг мусаффо тонгидай тонглар қаён бордир,
Бу тонглар таъмини тортган кишиларга ҳаён бордир.

Қуёшдан олдин уйғонгай шакаргуфтор парируйлар,
Ширин жондай лазизу нуктадон ширин забон бордир.

Гапирса бол мисоли жон олар завку фароғатлар,
Хижил килгувчи бунда андалибни хушбаён бордир.

Хизирдай мўйсафид чоллар сўзи танларга жон бергай,
Сарви гулдай сарвиқомат опахону, навжувон бордир.

Ширин тил кизларининг суҳбати жонларга малҳамдир,
Уларнинг суҳбатининг лаззати мисли жинон бордир.

Келинчакнинг уй мисли саришта доимо шаҳрим,
Сенга кўз тегмасин асло, агар дунё ҳамон бордир.

09.03.1998 йил

Кел, ширин жоним, ширин жонингга жонимни қоқай,
Қоп - қора зулфи паришонингга жонимни қоқай.

Гар рақибим бўлса меҳмон уйингга, жон қоврилур,
Лек меҳмонинг сенинг, меҳмонингга жонимни қоқай.

Сен гулистонни кезар бўлсанг, гулу раъно хижил,
Гул каби ёнган гулистонингга жонимни қоқай.

Кундузи пинҳону, тунларда аён қон йиғладим,
Демадинг бир йўл: «Ушал қонингга жонимни қоқай».

Захмлик кўнглум иложига табибдир ноилож,
Васл отлик дори-дармонингга жонимни қоқай.

Эй юрак, ишқида паймонингни айла устувор,
Устувор аҳд ила паймонингга жонимни қоқай.

Дилбарим, бир нозингга, минг бўлса гар жоним, ниёз,
Менга қилган аҳди ёлғонингга жонимни қоқай.

Тунлари чикди хилол абри хилолинг кўргали,
Кун бакун саргашта бошингда жамолинг кўргали.

Тушди зулфинг домига бу кўнгил отлиг булбулим,
Қилган экандир баҳона дона холинг кўргали.

Кўзларим асло узолмам оразинг гулзоридан,
Келмиш ул кўзлар жамоли бемисолинг кўргали.

Интизорман неча кунлар бош кўяй пойингга деб,
Мунгазир этмай келиб кет поймолинг кўргали.

Бормагил гул сайлига, эй гулбадан, гулчехра ёр,
Сарв рашкдан ёнмасин қадди ниҳолинг кўргали.

Татии ширин калому, андалибдек хушнаво,
Таърифу хуснинг килурда гунгу лолинг кўргали.

* * *

Ҳар киши гар бўлса содик дўст, ул топгай камол,
Дўстлиги кимнинг агар ёлғон, ўшал топгай завол.

Яхши дўстга қанча қилсанг яхшилик, оз бил уни,
Яхшилик ноқасга қилма, яхшилик кетгай увол.

Дўсти содик белгисидир ҳам мурувват, ҳам вафо,
Бемурувват, бевафодан дўстлик кутмок хаёл.

Манфаат кўрмокни ўйлаб дўст тутарлар баъзилар,
Ундайин мол дўстлардан яхшилик кутмок маҳол.

Лакма дўстдан яхши душман, гар унга хуш бўлса ёр,
Лакма дўстинг айлагайдир душманнинг олдида лол.

Чин фидокор дўст топмок, дўстларим, мушкул эрур,
Дўст агар аччиқ гапирса, келмасин сизга малол.

Эй дилим, дўстингга содик бўлгилу захрини ют,
Тинглама душман сўзин, гарчиким ул бўлса бол.

Ким агар жонин ватан, қалкига қурбон айлағай,
Ул киши мангу ўзин номин чароғбон айлағай.

Дейдиларким, мард йигитнинг қалби чақмоқдай бўлур,
Кимки номард бўлса, обрўсини яқсон айлағай.

Баъзилар бор, сўзлағай яхши ният, одбдан,
Ҳар қадамда лекин ўз сўзини ёлғон айлағай.

Хур Ватаннинг бир сиқим тупроғи олтиндан азиз,
Чин ўғил ўлгунча севмоқликни паймон айлағай.

Эл мисоли бепаён денгиз жавахирлар тўла,
Ким муҳаббат қўйса, қалбин гавҳарафшон айлағай.

Яхши одобу ҳалол меҳнат муҳаббат рамзидир,
Бу билан чўлларни одамзор гулистон айлағай.

Бўл фидо халку диёрга, эй дилим, пурдил бўл,
Кимки пурдил бўлса, ўз корини осон айлағай.

Юрту элга жон фидо қилгай киши кам бўлмағай,
Юзлари сарғаймағай, ҳам кўнглида ғам бўлмағай.

«Бил ўзингни, ўзга қўй», деб яшар бўлса киши,
Боши осмонларга етса етсин – одам бўлмағай.

Гап десанг коп-коп ва лекин иш десанг: «Мен йўқ», - деган,
Маҳрум ул инсончиликдан, инсонга маҳрам бўлмағай.

Отасидан юз угирган бўлса ҳар ким, ўсмағай,
Бой бўлар балким, бироқ умрида хуррам бўлмағай.

Кимки бир бор умрида гар алдаса, огоҳ бўлинг,
Онт ичар бўлса, ишонманг, аҳди маҳкам бўлмағай.

Тошни гавҳарга уришгирсанг, синар гавҳар, бироқ
Гар ёмон яхшини енгса, яхши ҳеч кам бўлмағай.

Эй дилим, пок бўл, ниятнинг яхшисин йўлдоши бўл,
Кимнинг йўлдоши агар яхши, боши ҳам бўлмағай.

* * *

Зоғ эмас, булбул билур гулзордаги гул кадрини,
Гул билур лекин хазон фаслида булбул кадрини.

Зар эрур, севгингни зоҳир айлама ҳам кимсага,
Кимки заргар бўлмаса, қайдан билур ул кадрини.

Қадду сочингга фидо қилгай тану жон боғбон,
Яхши билгай боғбон раъною сумбул кадрини.

Эй пари ошуфта кўнгил ҳолидан сен бахабар,
Билгай ошуфта кўнгил ошуфта кўнгил кадрини.

Мен кулингман, сен маликам, хохи ўлдир, хохи сот,
Гар сотар бўлсанг, билиб сот мендаин кул кадрини.

* * *

Йўлингда айладим йиғлаб бугун фарёд, келсангчи,
Қаро сочингга сайд ўлмиш дилим, сайёд, келсангчи.

Сени Ширин деганлар янглишур, Шириндан ортиқсан,
Менинг-ла тенглашолмас ишқда Фарҳод, келсангчи.

Сенинг бирла бўлур шод ҳар замон ағёри нодонлар,
Вале вайрона дил якка ўзи ношод, келсангчи.

Дегай ағёрлар менга: “Қародир бахту иқболинг”,
Қилиб ағёрлар андишасин барбод келсангчи.

Тушиб айру висолингдан, кўнгиллар бўлди вайрона,
Дилим мулкани қилмоққа бугун обод келсангчи.

Тушиб айру висолингдан, кўнгуллар бўлди вайрона,
Дилим мулкани қилмоққа бугун обод келсангчи

Кирдинг олдинга қилмоққа бугун обод келсангчи
Тунни ўтказдингми, билмай ё алам, ё ғам билан.

* * *

Кирдинг олдимга кулиб, лекин кўзингда нам билан,
Тунни ўтказдингми, билмам, ё алам, ё ғам билан.

Топмадим бир сўз сенинг кўнглинг кўтармоқ дардида,
Умри ўтсин, ким сени йиғлатса гар, мотам билан.

Наргисинг ёш тўқди-ю, хуснингга нуксон етмади,
Чунки тонг пайтида гул яшнар яна шабнам билан.

Гар дилинг ғам ханжари бирла дард чеккан эса,
Дардинга бергум даво севги деган малҳам билан.

Ҳамма сендай бўлса, олам гулларга буркангай эди,
Лекин, афсус, фарқи бор одамни ҳар одам билан.

Дилбарим, қайғурма кўп, сенга фидои жон бўлай,
Бирга бўлсин жони зорим сен каби ўктам билан.

* * *

Эй парипайкар, сенингдек кимни бир Лайлоси бор?
Ҳам менингдек доғи кимнинг Мажнуни шайдоси бор?

Сен гулистон ичра кўйдинг мақдаминг, эй гулузор,
Шармисор гуллар, шу важдин ваҷҳида хумроси бор.

Муддаи наргисларингга кўз тикиб ўртар мени,
Ўчмас ул ўт, гарчиким икки кўзим дарёси бор.

Мақтама, эй боғбон, боғингда хору хасларинг,
Қайси бир боғнинг ҳабибимдек гули раъноси бор?

Кўзларим тўймас боқиб оламнинг чексиз хуснига,
Шул сабаб олам гўзалки, сен каби зебоси бор.

Яхшилар кўкси ҳамиша жабр ўқиға нишон,
Бир жонимга минг ҳадаф откучи икки ёси бор.

Шириним, сен борлигингдан дилда чексиздир қувонч,
Мактанурман бир гўдакдекким, унинг халвоси бор.

* * *

Олди кўнглимни, аё жон, кўзларинг,
Фитначи, шахлою фаттон кўзларинг.

Лабларинг гар берса ушшокка ҳаёт,
Айлагай бағрин тўла қон кўзларинг.

Этмади кўз кири бирла бир назар,
Гарчи бордур бунга имкон кўзларинг.

Кўзларинг, билмамки, хинд султони,
Қилди тан мулкани вайрон кўзларинг.

Ойнага бокма, гирифтoring бўлур,
Ўз – ўзин ҳуснига ҳайрон кўзларинг.

* * *

Қилур жабру жафодин жон шикоят,
Тополмай ўзга бир имкон, шикоят.

Қийиндир ғам юкин остида юрмоқ,
Шунинг-чун кўринур осон шикоят.

Дилим хонасида(хонида) меҳмони азизсан,
Азиздан қилмагай мезбон шикоят.

Юзинг ойига қилсам жонни қурбон,
Қилур, бўлмоққа тан қурбон, шикоят.

Кўзимга раҳм этиб, кўрсат юзингни,
Тўкиб, ул қилмасин, кўп қон шикоят.

Само ҳам дуди оҳимдан қорайди,
Сенга бир кун қилур осмон шикоят.

Тараххум айла-ю, шод эт дилимни,
Бўлиб қолсин ҳама ёлғон шикоят.

Айлаган хайрон кўзим сарви хиромонинг сенинг,
Кўзларин узмас халойиқ, барча хайронинг сенинг.

Эй кўзим, кўп тўкма ашкинг ул каро кўз ҳажрида,
Заррача илмас кўзига чашми гирёнинг сенинг.

Васл чоғи офтобингдан юракда ўт ёнур,
Қон килур бағримни аммо доғи хижронинг сенинг.

Қошларинг дардида дол ўлмиш алифдек қоматим,
Пора – пора айламиш кўксимни пайконинг сенинг.

Сунбулу райхон паришон ўлмиш элнинг наздида,
Фитна солмиш эл аро зулфи паришонинг сенинг.

Раҳм қил жонингга, дерсан, ташла жоно дардини,
Сўзламас эрдинг ҳато, бўлганда жононинг сенинг.

Эй дилоро, дилда доғим бор дудоғинг дардида,
Бер муродимни, дебонким, ўлмасин жонинг сенинг.

* * *

Кет, йўқол бундан, ажал, севги химоятдир менга,
Сўз бериб, сенга бўйин эгмоқ жиноятдир менга.

Элга гар олам машаққат, меҳнату андух эрур,
Оламу одам ғами асли муҳаббатдир менга.

Бу жаҳон саҳнида кўп боғу чаман, гулзорлар,
Лек баридин мўътабар ушбу вилоятдир менга.

Сенки бордирсан жаҳонда, дил нечук шод ўлмасин,
Сен учун юрмак тирик бахту саодатдир менга.

Эй, юрак, бор бўл ҳамиша, менга содик кол мудом,
Сен ўгирсанг гар юзинг, тенгсиз хиёнатдир менга.

Кўрмасам ёри вафодорим рақиблар дастидин,
Жонни бермоқ не азобу, не машаққатдир менга.

Сен менга жону жаҳонсан, ўзга жонни не қилай,
Кечмасам сен жонни деб жондан, маломатдир менга.

Най каби шавқингда фарёд айларам,
То нафас жисмимда бор - ёд айларам.

Васлинга етмоқ тоғ ўтмоқдай кийин,
Шириним, ўзимни Фарход айларим.

Лола, кулма, кўз ёшим гар лаълдор,
Сен каби чўлларни обод айларам.

Сочларинг кўргач, кўнгил оҳлар урар,
Қуш илон кўрган каби дод айларам.

Ўстирар бўлсам агар кўнгилда боғ,
Ўзни гул, қаддингни шамшод айларам.

Бўлмас эрмишлар парисиймолар эл,
Яхши, ўзни элдан озод айларам.

Фурқатингда ҳеч дилим шод ўлмади,
Вуслатингда, дилбарим, шод айларам.

* * *

Сайр этиб гулзорни, лекин гулбузорим кўрмадим,
Беҳисоб ғам ичра қолдим, ғамгузорим кўрмадим.

Фасли гул бўлгач, очилди гул дема, эй боғбон,
Сенга келмасдан очилган гул баҳорим кўрмадим.

Ақлу хушдин мосуво Мажнунни шайдоман мудом,
Унга талпинмас бирор лайлу наҳорим кўрмадим.

Ойда кўрди барча ошиқ чехран махбубини,
Эски тосга тенгламоққа келди орим, кўрмадим.

Ўтгач оз фурсат, завол топгай камарнинг шуъласи,
Ойга невчун ўхшатай, ойда нигорим кўрмадим.

Дилбарим беморини кўромққа келмиш бу замон,
Пешвоз чикди ани кутмоқ учун бемор жон.

Йўлида эрдим неча кундан бери мен интизор,
Ўрганиб ёнган юракка келди меҳмон ногаҳон.

Лоладек бағримда доғу, якка ғам саҳросида,
Гар жигарлардан кабоб эрса, шаробим эрди қон.

Шавк агар бўлса бутун жондан, ёқар оламни ҳам,
Кўрқар эрдим босмасин оламни тўфон ногоҳон.

Оху афғоним қорайтиргач, шикоятлар ёзиб,
Келса қошингга нетарман бир куни гар осмон.

Дод сўрар чоғингда ошиқ кўнглини дилшод қил,
Заррача айб менда йўқдир, айбдор бемор жон.



Кел, эй гул, севги бўйи бирла кўнгил мулкин обод эт,
Вафо боғини яшнатгил, жафожўйликни барбод эт.

Неча булбул висолинг истагай фасли баҳорингда,
Булардай булҳаваслар қуллигинин ўзни озод эт.

Табассум бирла ногох ташлагил менга нигоҳингни,
Мени шоду, рақибим ошион доду фарёд эт.

Агарчи аҳли дониш ичра яктой замондирсан,
Садафга берма дил, гавҳарсану, гавҳарни домод эт.

Ўзинг ширин, ўзинг ширин, шириндан сен ширинроқсан,
Садокатда менга Фарҳод, ўзинг Ширинга устод эт.

Камондек қошу ўк киприкларинг жоним олур доим,
Агар етмас, қаро кўзим, кўзинг жонимга жаллод эт.

Мисоли андалиб чеқдим наво васфи камолингда,
Фаромуш этма хотирдан, навосозингни ҳам ёд эт.

Кишига соғ-омонлик аввало энг катта давлатдир,
Кимики етса кадрига бу давлатнинг, саломатдир.

Кутарма ғоз қилиб қаддинг фалону писмадонман деб,
Саломатлик агар йўқдир, булар ёлгончи савлатдир.

Касал кунларда тахлил айла хамма қору борингни,
Касаллик, аслини олсанг, сарҳисоб, қилмоққа мухлатдир.

Чекиб бемор кунларда фиғон, қўқни қаро этма,
Тафаккур айласанг гар, хасталикнинг ўзи хикматдир.

Дилинг шод этки, тарк этмиш ажалдек золи бешафкат,
Ҳаёт қолган кунинг шукрини қилки, катта шафкатдир.

ҲУСН БЎСТОНИ

(Ғазаллар силсиласи)

Юзма-юз турмоқ гулистонга юзинг-чун ор эрур,
Гул юзинг ўтрўсида гул эл аро кўп хор эрур.

Кўзларинг кўз – кўз қилур фаттонлигин ишқ ахлига,
Ошику бечоралар бу фитнадин бемор эрур.

Қора холинг шавқидин бечора қўнғил беқарор,
Ким, Хитой мушки хатосига бугун иқрор эрур.

Сарв қомат дилбарим сайр айласа бўстон аро,
Кўзғолур рўзи қиёмат: бу нечук ашжор эрур?

Ҳусн боғи ичра тушмуш ўғри дил сунбулни деб,
Оқибат ўғри учун доим муқофот дор эрур.

Лабларинг – бол, бир – бири бирла ёпишмиш шунчақим,
Очмогин, сўрмоқ яна ундан ажаб душвор эрур.

«Қош агар пайваста бўлса, ўсмани гардон қилур»,
Бундан ортик сўз демақлик кошинга бекор эрур.

ОРАЗИН ЁПҚОЧ...

Навоий

Оразинг борида йўқ менда қуёшга эҳтиёж,
Гарчи дерларким, қуёшдир коинот бошида тож.

Эл килур Юсуф жамолин таърифин, афсонадир,
Қолбуки, Юсуф жамоли мулки ҳуснингдин ҳироҷ.

Гулъузорингни кўриб, гулзорда гуллар бош эгар,
Навнихол гулдир юзинг, топсин гулистонинг ривож.
Ойга ўхшатмиш юзинг авжини юз бор муддаи,
Қошки ул юзсиз юзига солсам ўн юз бора кож.

Меҳри ховарсанки, меҳрим кун бакун жўнбуш топар,
Кўрмасам бир кун, тирик юрмоққа топмасман илож.

Чехраи зардим очилмас, ишк дардидин, нетай,
Дарди дилдан беҳабар гулчехралар гар бўлса гож.

Гул юзингдин айрилиб, булбул наво гар айласа,
Ҳажринг ўтида ёнарман, лек киларман дилхироҷ.

ВАҲКИ, БИР ҚАД ИШҚИДА...

Навоий

Қадди озодингга боғда сарви озод қул эмиш,
Қаддинга қуллуқ қилиш қаддин букиб маъқул эмиш.

Қоматинг кўргач, киёмат тушди шамшод бошига,
Рост, агар қомат киёмат бўлса, иш мушқул эмиш.

Гар ракибим бўйгинанг раъно деса, йўқдур ажаб,
Қимки чин сўз топмаса, ёлғон ила машғул эмиш.

Мақтасам жондан агар қаддингни, жондан ўт чиқар,
Ўт ичида қоврилувчи ноговон қўнгил эмиш.

Сарву шамшоду санавбар тенг бўлолмас сен билан,
Чунки булбулни навосоз айлаган сен гул эмиш.

Ё бўлуб охирда қаддим навнихолинг шавқида,
Чун алиф бошда эса, охирда ё мақбул эмиш.

Дилрабосан, айла хуш дилни дилим куймай туриб,
Борди-ю ўт кетса дилга, барча олам қул эмиш.

КЎЗИ ҚАРОСИМУ ДЕЙИН...

Навоий

Эй қаро кўзим, кўзинг кўрмокни кўз орзу қилар,
Кўрмасам бир зум кўзинг, кўз кўкрагимни сув қилар.

Шишадек кўнглим синар кўрмокка зору интизор,
Лек кўзинг наззорасини синмаган кўзгу қилар.

Ох урарман, мунча дийданг тош экан, парвоси йўқ,
Бир гўдак мисли кўзинг элга уни кулгу қилар.

Фитнакор жодуларинг бермайди жонларга омон,
Билмадим, жон кечмайди ундан, ё кўзинг жоду қилар?

Кўз агар жабру жафо бўлса, кўнгил – меҳру вафо,
Биттасини у қилар бўлса, бирини бу қилар.

Жон бёрарман шод ўлиб, бир бор менга кўз ташласанг,
Эл кўзига ошиқ ўлган жонидан қайғу қилар.

Тегмасин, дилдор, кўзинга деб ёмонларнинг кўзи,
Ох ўтидин дуд бериб, бечора дил дору қилар.

ҲАЁТБАҲИШ ЛАБИҢГ РУҲ ЭМУШТУК...

Навоий

Лабинг оби ҳаёти матдабидир жони зоримнинг,
Матлабини тарк этарга чораси йўқ ихтиёримнинг.

Дудоғинг дардида ғунча каби кўнгулда доғим бор,
Таассуф, лолалаб, ҳеч кўрмагайсан лолазоримни.

Юзи гулзорида булбул навою нолалари қилгай,
Эмиш шайдоси мендек ғунча лаълин гулъузоримнинг.

Лабинг сўрмоқ учун берсам савол пинҳон дудоғига,
Деди: «Сўрма, қилурсан фош ниҳону ошкоримни».

Кўзинг гар касди жон этса, лабинг борида ғам этмам,
Нечук ардоқлаб ўпмай лабларингдек ғамгузоримни.

Лаболаб қуй ақиқу лаъли ранг васлинг майин, соқий,
Оёғингдан ўпай мен бош қўйиб, кўр кирдикоримни.

ЖОНИМА ДАВО ҚЎЮНТУР ЛАЪЛИНГ УЗРА ХОЛКИМ...

Навоий

Камонинг узра тушган ул қаро холинг бало дерлар,
Бу не холки, анга кўнглини беҳадмубтало дерлар.

Қора сочинг, қаро қошинг аро гар бўлса ағёрлик,
Арода турғучи холинг хакамликка рово дерлар.

Менинг холимни сўрма, эй табиб, ҳолдан борар бўлдим,
Ки алҳол холини беҳол жонларга даво дерлар.

Кўзу кўнгул эмишлар дарднок, аммо қаро холинг,
Бирига малҳам эрмиш, бошқасига тўтиё дерлар.

Кўзимдир холини кўрган, вале жабрини чекар кўнгил,
Халойиқ, во ажаб, бундай жазо тўғри жазо дерлар.

Қаро холингни деб дурлар тўкар кўз мардуми, аммо
Қаро кўзимни холинг қўйида юрган года дерлар.

Кечир, холингни таъриф айламакда сахв ўлди, эй дилбар,
Мени нозими беҳолу, сени нозик адо дерлар.

ЗУЛФИННИНГ САВДОСИ ТУШИБ...

Бобур

Паришон сочининг савдосидан кўнгул паришондир,
Бу не савдойилик, билмамки, сунбул ёки райхондир.

Шаби ҳижронни сочингдан қарову ҳам узун дерлар,
Нечун занжирга солмаслар кишин, сўзики ёлғондир.

Тарок сочинг тарарда тишлари бағрим тилар гўё,
Шамол зулфинг билан ўйнар эса, кўнгулда бўрондир.

Агар таъбирда дерлар тушда соч кўрган бало аммо
Бало гар келса тунда, хаста кўнглум унга мезбондир.

Баҳорни орзиқиб кутгай, жунункўрки, мажнунтол,
Сочиннга толпопук гар бўлмас, кўксида армондир.

Бўйин бўйингга тенг айлар қирқ ул мушқбўй кокил,
Чидарман қирққа, лекин қирқ бирига на имкондир.

Сочинг занжири бирла боғла маҳкам, Лайливаш дилбар,
Қаю мажнунки безанжир, унинг азми биёбондир.

ҚОШИ ЁСИНМУ ДЕЙИН...

Навоий

Икки қошиким, бири мушку, бири анбар эрур,
Гарчи райхондир, вале гуллар аро сарвар эрур.

Икки қошинг янги ойга ўхшатурлар камситиб,
Гар хилолдир айру-айру, бирлашиб анвар эрур.

Ўртада бечора кўнглум захмидан қонлар оқар,
Икки ёнда икки қошинг сохиби ханжар эрур.

Икки мисраъ шеър десам ҳар икки қошингни агар,
Битгаси олтинга тенг бўлса, бири гавҳар эрур.

Икки ёйингни чимирсанг, кипригинг ўқлар отар,
Чорасиз жон жой тополмас ел каби сарсар эрур.

Қошларинг ҳажрида Мажнун чўлга кетмиш дейдилар,
Билмадим, қошлармидир у ё Лайливаш пайкар эрур.

Кўй, учирма қошу, қалдирғочни нолон айлама,
Кўкка чиққай эътибори кимки гар камтар эрур.

* * *

Айлаган хайрон кўзим сарви хиромонинг сенинг,
Кўзларин ўзмас халойик, барча хайронинг сенинг.

Эй кўзим, кўп тўкма ашқинг ул қаро кўз ҳажрида,
Заррача илмас кўзига чашма гирёнинг сенинг.

Васл чоғи офтобингдан юракда ўт ёнур,
Қон қилур бағримни аммо доғи ҳижронинг сенинг.

Қошларинг дәрдида дол ўлмиш алифдек коматим,
Пора-пора айлмиш кўксимни пайконинг сенинг.

Сунбулу райхон паришон қолмиш элнинг наздида,
Фитна солмиш эл аро зулфи паришонинг сенинг.

Раҳм қил жонингга, дерсан, ташла жона дардини,
Сўзламас эрдинг хато бўлганда жононинг сенинг.

Эй дилоро, дилда доғим бор дудоғинг дардида,
Бер муродимни дебонким: «Ўлмасин жонинг сенинг».

* * *

Таним обод мулкани айлади вайрона хижронинг,
Нечук раҳм айламай ўт ташлагай бу жона хижронинг.

Этар орзу дилим булбул каби гулзори васлингни,
Валекин ташламиш бечорани хижрона хижронинг.

Қаро сочинг асири ўлди ҳар ким, лайливаш дилбар,
Ани мажнунсифат охир этар девона хижронинг.

Хижилдир юзларингдин қўқдаги шамсу - камар, дилбар.
Аларни ҳам қувибдир оқибат осмона хижронинг.

Қадар тўқкиз этар, этмокни гар айласам ўттиз,
Васлинг истадим бўлди менга ҳамхона хижронинг.

Сун, эй муғбачча, май, фуркат кунда айлагил сархуш,
Лаболаб нўш этай бўлсин бунга хайрона хижронинг.

Дилим, ҳеч ғам ема, васлин таманно айлагил ҳар дам,
Чеколмас ҳеч қачон мендек сенинг бегона хижронинг.

* * *

Интизорман бир кўрарга, эй нигор, наврўз куни,
Шул сабаб кўксимда жондур беқарор Наврўз куни,

Боғ аро сайр айлагил, гуллар томошо айласин,
Мақдаминга бош эгиб гул интизор Наврўз куни.

Саврдир қаддинга қул, нарғиз кўзинг ошуфтаси,
Гунча рашк айлаб лабингдан зор-зор Наврўз куни.

Гулўзоринг васфида булбул навосин айладим,
Зора қилсанг менга бир йўл эътибор наврўз куни.

Куйма, эй ошиқ дилим, Наврўзи оламдир бугун,
Ошиқи дилхасталар ҳам бахтиёр Наврўз куни.

* * *

Сенга ошиқ бўлди бечора кўнгул,
Кўймадинг менга кўнгул кўнгил учун.

Гул эмас, қилмиш уни сунбул учун
Жонни ёндирдим сени деб, ох, нетай ?

Сен назар еткурмадинг бу кул учун.
Ҳажрдан олам кўзимга тор эрур,

Олам ичра сигмагайман шул учун.
Сочларинг занжирига жозо боғла мени.

Эт қабул, жонни сенга бахш айладим,
Дилбарим, дилбарлик эт макбул учун.

* * *

Ёрнинг ширин сўзи бўлса, яна одоби ҳам,
Бўлмагай унга борабор чархнинг офтоби ҳам.

Хулкига хуштор эрурман, кўнглими олмиш яна.
Ул париваш мохтобнинг хусни оламтоби ҳам.

Кўзлари ўлдирса гар, шаккар лаби жон бахш этар,
Умри боқий берса, тонг йўқ васлининг камёби ҳам.

Гулдир ўзи, юзи гулдир, гул эрур ҳам кўллари,
Кўп гузалларни этар гул атласу кимхоби ҳам.

Дилбарим, айла тураҳхум, дил ўти жон куйдурур,
Тоқати ҳам қолмади бу ошигингнинг, тоби ҳам.

* * *

Фидо айлайми сенга жонни, жоно,
Бўлибман, эй пари, Мажнуни шайдо.

Кошинг гар ўқ отар бўлса бу жонга,
Турибдир баргдек титраб мухайё.

Мабтолодирман каро зулфингга, ёр,
Ишк доми ичра кушдек мабтало.

Гарчи ёлғизлаб менга олам аро,
Бошима солинг вале минг бир бало.

Гар жафо жонимга берсанг, не ажаб,
Ошиқи бечорага бу муддо.

Минг бошим бир нозишгга бўлани ниёз,
Бир жафойингга этай мен минг вафо

Гул юзинг, сунбул сочингни васфида
Кечаю кундуз килай тинмай наво.

* * *

Меҳр кўйдим сенга, энди меҳрибоним бор менинг,
Жоним ороми эрур, ороми жоним бор менинг.

Ох, нечук чекмай надомат бошима тупроқ сочиб,
Дилбарим бир бора айтмас “Дилистоним бор менинг”

Лайлию мажнун ўқирлар, билмам, эл ғафталидадир,
Лайли-мажнудан ажаброк дostonим бор менинг.

Фош этардан кўркарман дилбар дили оғирми деб,
Нолалар пинхон чекиб дарди ниҳоним бор менинг.

Зулфи домига кўнгил ўлди асар холини деб,
Дер кунгилдан сўрсам Ошёним бор менинг

Одам оламда ахир мангу эмасдир, кул хисоб,
Ҳеч киши айтмас “Ажалдан носбоним бор менинг”

Бас, дилоро, эл аро кўнгил унун бир бор дегил:
Кўнглини бахшида этган нотовоним бор манинг.

* * *

Сенинг зеболигинг охир мени этди адо, дилбар,
Кўнгилоролиги охир мени этди адо, дилбар

Агарчи кўп эрур ошиқлар мардум аро, эй гул,
Вале танхолигинг охир мени этди адо, дилбар

Қолибдур йўлларингда мунтазир ушшоқи хубларким,
Сенинг бепарволигинг охир мени этди адо, дилбар

Кўнгул тушди сочинг домига холинг донасин истаб,
Кўзи шахлолигинг охир мени этди адо, дилбар.

Сўзи ширинлигинг лол айлади дилларни, эй дилбар,
Тили бурролигинг охир мени этди адо, дилбар.

* * *

Эй кўнгул, розингни айтма тош кўнгуллик ёрга,
Тошга ёмғир этмагай қор,-дерми эл бекорга.

Берма кўнгил, бевофодир бу чаман раънолари,
Сен ёқиб кўнгул, улар хуснин солур бозорга,

Гоҳ келар кунгулга, келмас не сабаб кўнгул учун.
Ё қаро кўнгул интизордир андалиби зорга.
Сарви озодим ўтарму деб кўнгулнинг кўйидан,
Нотовон кўнглум хаёли банд бадрофторга.

Лайливашдин кўнгул узмок фикри кўнгилга келур,
Нетти, не бўлди кунгул отлиғ бу мажнунворга?

Айладинг вайрон кўнгулни, эмди таъмирин буюр,
Васл касрин кургучи ул оқ кунгул меъморга.

* * *

Йиғлама киз, йиғлама, тўй сеники, ёр-ёр,
Юрак-бағримни ёққан куй меники, ёр-ёр.

Уйда куйиб йиғлайсан, ёт бўлдим деб, ёр-ёр,
Мен йиғлайман ҳаётда мот бўлдим деб ёр – ёр.

Қамишларнинг ичига тушди узук ёр-ёр,
Сенсиз қандай яшайман кўзи сузук ёр– ёр.

Сен ўзганинг уйини қилгил гулзор, ёр-ёр,
Мен кўшайин кабрстонга битта мозор, ёр-ёр.

Бир кун чикиб қабрим узра чеккил нола, ёр-ёр,
Кўз ёшингидан униб чиксин кизил лола, ёр-ёр.

Қизил лола рамзи бўлсин савгимизни, ёр-ёр,
Муродига етолмаган битта бизми, ёр-ёр ?

Муродига етолмаган бу дунёда ёр-ёр,
Бирга бўлсин, ё илоҳо, у дунёда, ёр-ёр.

* * *

Гулзорнинг қаршисида гулга йўл бўлсин, гулим,
Оҳу зорим борида булбулга йўл бўлсин, гулим,

Гарчи сунбул хуснини кўз-кўз қилармиш боғ аро,
Анбарини зулфинки бор, сунбулга йўл бўлсин, гулим,

Мен бериб кўнгил сенга, қилдим фидо жону таним,
Нотовону бул ҳавас кунгулга йўл бўлсин, гулим,

Дилгинангдан дилгинам сув ичмоғи мушкул эмиш,
Мушқулим олдида ҳар мушкулга йўл бўлсин гулим.

Сен маъликам, танда жоним борича қуллук қилай,
Мен қулинг борида ўзга қўлга йўл бўлсин, гулим.

* * *

Сен Шириндай ўзга бир Ширин ажиб Ширин эмас,
Ўхшатурлар мушки Чинга сочинг, аммо чин эмас,

Юз жафо кўрдим, вале юз бурмадим, ой юзли ёр,
Бир вафо қил, гар вафодорлик сенга оийн эмас.

Оразинг орзусида булбул чекар ох –нолалар,
Негаким боғ ичра ҳеч бир гул сен каби рангин эмас,

Шод бул сен, менга қолдир ғам чекишнинг меҳнатин,
Ғам агар тушса кўнгулга ёрни деб, ғамгин эмас.

Ихтиёрим бирла бердим ихтиёрим сенга, ёр,
Сочларинг занжирига банддир кўнгил, эркин эмас.

Муддаи сенга кўнгул, берса бергандир, вале,
У фақат берган кўнгул, мен каби жонин эмас.

Айтасан, элда вафо йўқ, жабр кўп, аммоки мен,
Дилбарим, элдин вафо кўп кўрдим-у, сендин эмас.

* * *

Эй кўнгул, кўнгли бўлак, сўзи бўлакка бокма ҳеч,
Ундайин нопокларга меҳр ўтини ёкма ҳеч.

Кимки кори эгри бўлса, эгриларни ёктирар,
Майли, сен бўл тўғри, аммо эгриларга ёкма ҳеч.

Гар юпун бўлсангу, оч қолсанг, таҳаммул айла-ю,
Ҳам қилиб бошингни номардлар эшигин қокма ҳеч.
Дерки дарёман, вале сув бермагай кирғоғига,
Майли, анхор бўлгул-у, нокасга ўхшаб окма ҳеч,

Аччиқ эркан-ку дема, гар дўст гапирса, ос қулок,
Сохта ширин ҳар қаломни дил гўшига тоқма ҳеч.

Якка гар ўсса дарахт, у ерда ўрмон бўлмагай,
Шу каби, каби ёлғиз одам ҳам комил инсон бўлмагай,

Қилсанг одамлик давосин, дўстларнинг бўлсин сероб,
Дўсти йўқ одам уйида аста меҳмон бўлмагай,

Битта дўстинг битта устиндир, демак, махкам уйинг,
Ўйла, устун бўлмаса, хаттоки айвон бўлмагай,

Дўст кадрини баланд тут, берма озор кўнглига,
Акси бўлса, сенга дўст хаттоки хайвон бўлмагай.

Дўст сенга гузгу эрур, яхши-ёмонинг кўрсатур,
Билгил, этсанг гард уни, хуснинг намоён бўлмагай,

Дўст йўқотмоқлик осондир битта ёлғон сўз ила,
Сўнгра содиқ дўст қилмоқ сегна осон бўлмагай,

Бўлма мол дўст, дўстинга бўлгил ҳамиша жон дўст,
Кимки дон дўст бўлса, ҳеч жонида армон бўлмагай,

Кечма асло Турғуну Мирзо, Хайитбой, Тўхтадан,
Ўзгалар Давлат билан Анвар, Умаржон бўлмагай,

Дўсти содиқ олиму Аълохону Холмирзамиз,
Кечма, Одил, Кенжабоевдек қадирдон бўлмагай.

Эй қадирдонлар, ичайлик юз йил ҳаётнинг лаззатин.
Биз агар содиқ эсак, хорликка имкон бўлмагай!

Дилбарим, келгил ики ёқут дудоғингдан ўпай,
Ҳам кумушни хижл этган сиймин яноғингдан ўпай.

Икки кошнинг икки шамшир ўртада жоним ҳалак,
Доғи жонлар олғучи фаттон қароғингдан ўпай,

Лаҳза гар мен кўрмасам олам кўзимга тор бўлур,
Ушбуни англаб туриб қилган фироғингдан ўпай.

Фику-зикрим эртаю кеч сенга бўлмишдир асир,
Сунбулингдан жонимга қўйган тузоғингдан ўпай.

Вақл боғи мисли бошдин то оёқ гулзор ўзинг,
Сигмаса ҳаддим юзингга, кел оёғингдан ўпай,

Заррадирман, сен куёшсан, сенга етмоклик махол,
Демадинг бир йул менга кел дилда доғингдан ўпай.

Ҳажр ўти жонимни ўртар бир нафас гар бўлмадинг,
Лек сени кўрсам бошим кўкда чоғингдан ўпай.

10.11.1994.

* * *

Сизни кўрса, вос кечарди Мажнун ўз Лайлосидан,
Мен ҳам ўл Мажнун катори хуснингиз шайдосидан.

Қоп–қаро кошу кўзингиз, кипригингиз жон олар.
Ўқ отар жон қасдин айлаб кўз қошингиз ёсидан.

Гар таббасум бирла сўзлаб, сўрсангиз ахволими,
Бергуси лаблар нишон оби ҳаёт дарёсидан.

Инжу холингизга кўнгил талпинар ошуфта хол,
Сочингиз домини афзал кўргай ул ошносидан.

Боғ қилибсиз юртингизни шу гўзал қўллар билан,
Боғингиз жаннат атарлар, сизни хур симосидан.

Сўрдим: “Эй ширин сухон ёр, қай чаман Лайлосисиз?”
Дерки, менман ул парилар юрти –Чуст Олмосидан.

* * *

БАВАҚТ ВАФОТ ЭТГАН РАҲИМАХОНГА

Шодлигим – ёшлигимни аламлар юлиб кетди,
Баҳорларим ўтди-ю, кўзларим сўлиб кетди,
Умримнинг бор – йўғидан дўстларим кулиб кетди.
Айтолмаган дардларим ичимга тўлиб кетди.

Баҳорда ёз яхши деб, ёзни кутиб яшадим,
Ёз келди, лек кузга умид тутиб яшадим,
Кузда сарик сўзлардан ютиб-ютиб яшадим,
Айтолмаган дардларим ичимга тўлиб кетди.

Бошимга оқ кировли киш ҳам келди-ку етиб,
Умидимнинг тўрт фасли ҳам қолаётир-ку битиб,
Топилмадим дўстим, оҳ дегувчи дард эшитиб,
Айтолмаган дардларим ичимга тўлиб кетди.

27.10.94.

* * *

Ўтказур умрини хар инсон ширин орзу билан.
Гоҳи шодон ўтказар, гоҳида ғам –кайғу билан.

Лайли янлиғ бир вафодор ёрни деб Мажнун кўнгил,
Бевафо дунё этар ҳамроҳ уни бадхў билан.

Баъзи одам бор ҳаётда, эл қилур ундан хазар,
Бошга тош урмай нетайки, ўлмаган дору билан.

Мен ширин кунларни орзу айладим Фарход мисол,
Ёсуман тутди кадаҳни май қўшиб оғу билан.

Не учун қалбим ёниб ўртанмасин, қоврилмасин,
Бахтим уйғонмас ҳамон, у доимо уйқу билан.

Сунмагай лекин умидим шоирим айтган-ку деб:
“Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёғду билан”¹

* * *

Йўлларинга кўз тутиб кўзларда қон ёшим менинг,
Бир йўли келгил, тарахҳум айла, йўлдошим менинг.

Йўлладим йўлдош еллардин саломим сен томон,
Тутмадинг бир йўл қалам қўлга, қалам қошим менинг,

Мен томон қилсанг гузар, гулзор поёндозинг бўлар,
Йўлларинг тупроғига бўлсин фидо бошим менинг.

Истасанг келмокни бир йўл, йўл топарсан, эй санам,
Ё йўлингга йўл тусарлар ғовми, сирдошим менинг?

Ўзга ошиқларга йўл бўлсин ҳабибинг олдида,
Фурқатнинг йўлида кам бўлмайди бардошим менинг,

Топса йўл зора дилинга зорларим, роза дилим,
Икки йўл шеър ёздим, олгил, эй гуҳарфошим менинг.

МУХАММАСЛАР

НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Мен бўлиб Мажнун ўшал лайливаши якто учун,
Айлайн жону жаҳонимни фидо жоно учун,
Демангиз ҳеч чора йўқтур сен каби расво учун,
Дўстлар, бир чора мен девоний шайдо учун.
Ким ўлар мен ул пари пайкармалак сиймо учун.

Қора кўзин фитналар сарчашмаси қилгай хавас.
Сочлари олдида райхон бирла сунбул хору хас,
Дурри якто тишлари-ла тенг бўларни истамас,
Оташин гул теграсида лаъгун юз, барг эмас,
Балки юз наъл ўтка солмиш булбули шайдо учун.

Хом кўнглумким, кучиғингни тилаб афғон қилур,
Хом кўнглимким, яноғингни тилоб афғон қилур,
Ҳам кўнглумким, сақоғингни тилаб афғон қилур,
Хом кўнглумким, дудоғингни тилаб афғон қилур,
Бордурур ул тифлдекким, йиғлагай ҳалво учун.

Тун-кун орзу айларим васлинга еткайманму деб.
Ё абад мен айрилиқ захрини юткайманму деб,
Ухламоқдин кўрқаман ногоҳ унутгайманму деб,
Ашқ ичинда ғарқамен зулфунгни туткайманму деб,
Ўйлаким тожир тенгиз ранжин чекар савдо учун.

Бу қади дол Одилинг, эй қадди шамшод, асраким.
Бу дили вайронани, эй кўнгли обод асраким,
Бу дили ношодни, эй дилдору дилшод, асраким,
Бу Навоий бандани, эй сарви озод, асраким,
Бўйла бир булбул керак сендай гули раъно учун.

МАШРАБ ҒАЗАЛЛАРИГА МУХАММАС

Ох, аччик кунда қолдим бир шакар гуфторсиз,
 Гунгу лол бўлдим мисоли алданиб гулзорсиз.
 Ун чиқаргайму рубоб, танбур, дутор ҳам торсиз,
 Мен нечун юргум бу ғурбатхонада дилдорсиз,
 Умр эмасдур, ошиқнинг бир лаҳза бўлса ёрсиз,

Мажнунинг бўлдим, сени, жонона, Лайло айладим,
 Ихтиёрим бирла йўқ дардларни пайдо айладим,
 Қора кўзинга қаро кўзимни шайдо айладим,
 Дарбадар кездим жажонни, кўп томоша айладим,
 Ҳеч гулшан кўрмадим оламда, бўлғай хорсиз.

Кўкрагимдан ўзгани новак отарга сайлама,
 Икки хунхорингни, жон, жоним олурға шайлама,
 Шум ракиб, сиррим очурга пайтидир деб пойлама,
 Кавлама бағримни, кўнглимни паришон айлама,
 Термулиб қолди кўзим йўлида ул дийдорсиз.

Лайлининг Мажнуни бўлган хон ила мондин кечар,
 Бевафо дунё аталмиш эски айвондин кечар,
 Ҳар не киммат бўлса эл наздида ул ондин кечар
 Кимиёнинг толиби бўлган киши жондин кечар
 Ҳеч ганже кўрмадим оламда бўлғай морсиз

Не учун кўзимга илмам сендан ўзга кимсани,
 Ёндиму кўйдим фироқингда, эй дилдор сени,
 Изладим дўсту биродарларни ҳасрат қилгани,
 Машрабо вақти надоматдир, биродарлар қани?
 Истиқомат қилма дунёда парирухсорсиз.

МАШРАБ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Бериб кўнгул санамга, қолмади мендан аломат ҳам,
Жунунумга кулар лайлу нахор хосу авомат ҳам,
Чекиб оху фиғонлар беадад доим, давомад ҳам,
Мени девона қилди ул пари рафтор қомат ҳам,
Буқун келмам ўзумга балки фардои қиёмат ҳам.

Менинг шавқи жунуним боисин Мажнун сўрганда,
Фироқинг тоғида ёнимда гар Фарҳод турганда,
Алам тўфони жон бирла таним барбод урганда,
Менинг ҳоли табоҳимни муҳаббат аҳли кўрганда,
Пушаймонлар қилиб ишқдин яна айлар надомат ҳам.

Санам, ёлғиз ўзинг бўлдинг жаҳонда менга чин матлаб,
Фидо бошим оёғинга, изингни тўтиё айлаб,
Соянгдак бирга бўлмоқ эрди орзуйи дилим, ё раб,
Мени ҳам бирла ўлдурдинг фироқинг ўтига ташлаб,
Не бўлғай эмди мен ўлмас, чу сен бўлғил саломат ҳам.

Аё дилбар, сенинг йўлингда ҳам бори ажаб эрмас,
Агар мақсад йўлида бўлса гул, хори ажаб эрмас,
Киши ҳолини сўрмас бўлса дилдори, ажаб эрмас,
Ки сўрмас, Машрабо, ҳеч ким сени, оре, ажаб эрмас,
Юзимни босди бори меҳнату гарди маломат ҳам.

Ҳеч киши оламга устун бўлгани келган эмас,
Ҳам қачон кетмоғини ҳеч киши билган эмас,
Яхшилар ҳар икки олам ичра кам бўлган эмас,
Лек қилдим яхшилик деб, кўкрагин керган эмас,
Яхшилик кўрган гапирсин, яхшилик қилган эмас.

Яхшилар деҳқон мисоли ерни обод айлагай,
Яхши хулқу кори бирла халқини шод айлагай,
Яхши тарқ этса ҳаётни, барча фарёд айлагай,
Яхшини олам фақат яхши деб ёд айлагай
Яхшилик кўрган гапирсин, яхшилик қилган эмас.

Найлайин мен сотганида мис ўзин олгин дебон,
Аллақандай йўлчи бўлса ҳамдамим максуд томон,
Менга не ғам, гар уларнинг наздида бўлсам ёмон,
Сақла эл қошида бўлмоқдин ёмон, оҳ альёмон,
Яхшилик кўрган гапирсин, яхшилик қилган эмас.

Яхшиларга яхшилик эдинг, ёмонга эт, худо,
Яхшилик қилмоқни, кўнгул, айла доим муддао,
Лек тамаъ қилсанг қилинган яхшиликдан бу риё,
Ҳам гапирма яхшилик қилдим дебон, эй Одило,
Яхшилик кўрган гапирсин, яхшилик қилган эмас.

СУЮКЛИ ҚИЗИМГА

Сен билан кўркам хаёт, олам гўзал, озод, кизим,
 Сухбатинг олган одамнинг кўнгли доим шод, кизим,
 Меҳнатингдан баҳра олган юртимиз обод, кизим,
 Соғ-саломат бўл, сенга кўз тегмасин, Дилшод кизим.

Боғладинг кундузни тунга, ҳеч тинимни билмадинг,
 Халк иши йўлида бир он жонинга шафқат қилмадинг,
 Сен чинор бўлдинг, шамолнинг йўлида эгилмадинг,
 Соғ-саломат бўл, сенга кўз тегмасин, Дилшод кизим.

Қайга бокмай, мен кўрарман қўлларингнинг изларин,
 Элнинг фозила кизисан, бошисан эл кизларин
 Қил каро яшнаб юриб окман деганлар юзларин,
 Соғ-саломат бўл, сенга кўз тегмасин, Дилшод кизим.

Бахт қуши бошингда бўлсин, кўрма маломат ҳар маҳал,
 Эркин, ой кизлар каби бўлгин саломат ҳар маҳал,
 Сен билан дилдош бўлсин бу вилоят ҳар маҳал,
 Соғ-саломат бўл, сенга кўз тегмасин, Дилшод кизим.

2.11.1994

* * *

Қилиб гел элни, ташвиш тарқатиб мисли илон миш-миш
 Вабодек қолди тортиб домига безори жон миш-миш,

Ажабким, соддадил одам шаҳарда шунчалик кўпми?
 Уни қомига тортар аждохдек беомон миш-миш.

Эшитмаса майли, аммо ёнига қўшгай неча нодон,
 Агар тирранчадир, тезда бўлур чўнг паҳлавон миш-миш.

Деган-ку халкимиз аччиқ тутун мўриин сассикдан,
 Бекорчи сассик оғиз тарқатарлар бу замон миш-миш.

Бири дер ундоғ эрмиш, бошқаси дер бошқа бир сўзни,
 Қулоқлар бўлди динг, шунчаларми нуктадон миш-миш.

Қулоқ гар солсангиз беҳуда гапларга, яқо ушланг,
 Ваҳимларга тушарсиз писмадону ҳам фалон миш-миш.

Кеча чойхонада бир оғзининг боғлови йўқ аблах,
 Деди: “Хўжанд андоғ...эрмиш,...Андижон... миш-миш”.

Нахотки шаҳарда йўқ битта бўлсин марди майдон эр,
 Бўғиб миш-мишчи бўзидан деса: “Ҳе, писмадон миш-миш”.

Дегайман орзу айлаб, зора келса яхши бир даврон:
 Бўғилса яхшиларни қўли бирла, берса жон миш-миш!

КЕРИК

Кўлда чўп тиш ковлагай, аслида-чи, оч кекирик,
 Ўзини дер ҳамма жойда ҳокимимизга шерик.
 Аслида виждони ўлган, жисми лошидир тирик,
 Шаҳримизда бор эрур шундай ажойиб бир керик.
 Ул керик бўлганда ҳам, ул керикдир кўп йирик.

Эгнида кастюм, бошида сочу, кўлда зар узук,
 Дер ҳар одам: “Баччагар одамга ухшайди тузук”,
 Гап ташиб бу занчалиш, ўртани айлар бузук,
 Мисли гўнг титган хўроздай бўйнидир дойим чўзук,
 Кўрсангиз хайратланиб тишлаб қолардирсиз илик.

Бир замон извош миниб эрди малай рус каттага,
 Ҳам яларди, гар тупурса катта ифлос латтага,
 Ёғлари тилни, хўп ўрганда “да”, “албатта”га,
 Охири етди кўли бошлик деган бир паттага,
 Қўйсалар ҳар ишга, бўлди ўша иш чирик.

Во ажаб, шунда чикарди у киликлар бир талай,
 Кўча –кўйда юрса, ортида стул тутган малай,
 Бизга панд бўлсин дебон Оллоҳ яратганми атай?
 Гарчи қорнида алиф йўқ, ўзини Сукрот дегай,
 Гаплари сассик, мисоли тутагай ёғлиқ пилик.

Сизга гар тушса иши, ортингизда соядир,
 Хулласи, ялтокилик ул учун дастмоядир,
 Гар бугун бир ваъда берса, эртасига тоядир,
 Ғиж-ғиж айлар, ғингшигай гўйиё кийшик эшик.

Мақтанур овқат едим деб эрталаб фалон билан,
 Тўқлигимда биргаман деб эрталаб фалон билан,
 Чўнтагидан ҳемири чикса, чиқар у жон билан,
 Эй худо, гўримни кўшни этма у ҳайвон билан,
 Шаҳримизда бўлса даф бу ажойиб бир керак.

БАРМОҚДАГИ АРДОҚЛАРИМ

ОНАМГА

Онажоним, шу чоккача сизга бағишлаб
Бирор мисра шеър ёзмабман, шуми инсонлик?
Бола дебман, хотин дебман эрта-кеч ишлаб,
Қидирибман улар учун ош билан нонлик.

Гўзал кизлар мактовига битиб ғазаллар,
Боғлабман-у сочларига шайдо кўнгилни,
Лекин бир бор қарамабман оқ соғангизга,
Эсламабман она деган бебаҳо гулли.

Ҳафтада бир кўрмоқликка тополмабман вақт,
Улфатларнинг суҳбатини кўрибман ортиқ,
Мажлислару ва ишлардан бўлибман қарахт,
Бироқ Сизга қилолмабман меҳримни тортиқ

Бирдан бошим етганида ёстикқа, у он
Фақат Сизни сўроқлабман, Сизни онажон.
Етиб келиб, пешонамни силаган замон,
Яна топдим, онажоним, Сиздан янги жон.

Ёшми, қари-она учун боладир гўдак,
Ҳеч ким билмас она каби фарзанднинг дардин.
Қай биримиз, лекин ҳали тутолдик бирдек
Буюк заҳмат чеккан буюк Онанинг қадрин?!

САВОЛ

Бу дунёга келган ҳар одам
Эртами ё кечми кетади.
Яхшилар ҳам ва ёмонлар ҳам
Албат мангу уйга етади.

Яхшиларнинг қабри мунаввар,
Саройлардан обод мунаққаш.
Тўнғиз бўлиб ётар ёмонлар,
Гўрларида куйдирар оташ.

Қизик: буни билиб ҳар одам,
Шу ҳикматдан барча хабардор.
Лекин нечун ёмон хотиржам?
Яхши нечун тунлари бедор?

21.IX.1994.

ОРЗУ

Не қолдирдим оламда мен,
Яхшиликми, ёмонлик?
Бирга-бирга кўрадирмиз,
Агар бўлса омонлик.
Қолдирганим – шогирдларим.
Яна бир кучок китоб.
Улар менинг фарзандларим,
Атрофимда офтоб.
Энг бахтиёр дамларда ҳам
Орзу тугунмас экан.
Битта орзу юрагимда
Турар гўё бир тикан.
Мен дунёни тарк этганда,
Хаёт турса гувиллаб.
Мен юрган йўл турса дейман
Уч кунгина хувиллаб.

29.VI.1994

ЁШГИНА ҚИЗ

Хаёлингиз олган эмиш ёшгина киз,
Кўзлари чўлпони қалам қошгина киз.
Жамолига ою қуёш гадо эмиш.
Лекин эмиш юраклари тошгина киз.

Анор хижил эмиш унинг яноғидан,
Асал олган экан тотни дудоғидан,
Бўса олай десангиз гар қароғидан,
Аччикланар юраклари тошгана киз.

Бўйларига фидо эмиш гулзорда гул,
Хандасидан адо эмиш ёниб булбул,
Ундан узиб бўлмас эмиш сира кўнгул,
Менча ширин юраклари тошгина киз.

Майли, кўнгул ола қолсин ёшгина киз,
Кўзлари чўлпону қалам қошлари киз,
Баҳор келса, эрийди-ку тоғдаги қор,
Юмшаб қолар юраклари тошгина киз.

5.11.1994

МАНЗАРА

Куёш чикиб, тонг отди яна,
Шабодада рақс этар гуллар.
Бошлаб қолди кушчалар нағма,
Соқларини тарар сулувлар.
Кўчамиздан ўтиб боради,
Дукуллатиб чол ҳассасини.
Келинчагим⁶ ҳамир коради,
Менчи тинглаб ҳаёт сасини
Дейман: -Салом сенга, янги кун!
Гўзалроқ бўл кечагидан ҳам,
Соғлар бўлсин яна ҳам дуркун,
Бергил бемор дардига малҳам.

Бугун сени кучоклаб ўпай,
Эртанг эса орзиқиб кутай.

ПАРДА ЁПИЛИШИ ОЛДИДАН *Ўзбекистон халқ артисти Ҳ.Охуновага*

Мана, етиб келди сўнгги парда ҳам,
Охирги сахнанинг ижроси қолди.
Актёр қалби ёнар, кўзларида нам,
Саҳнани унутди ва ўйга толди:

Умр бўйи ўт ёкибди юракларга у,
Одамларга одамликни ўргатмоқ бўлди.
Етим қолда қаримаган қалбида орзу,
Ниятига етолмасдан, армон-ла ўлди.

25.XI.1994.й

АЁЛ ҲАҚИДА ҲЙЛАР

Сенга қарайману қоламан хайрон:
Шунча ҳам сахийми она табиат?
Бир жонга шунчалар фазилат эхсон
Қилибдир. Бу не сир? Бу не синоат?
Меҳр-ку аёлнинг ўз фазилати,
Чирой ҳам берилган аёлга кўпроқ
Бу ҳам она табиатнинг битта ҳикмати
Сенда шуларнинг бари бор. Бирок...
Жилмайсанг эритгунг тоғлар корини,
Баҳордек буркайсан гулга оламини.
Унутар ошиғинг ишқ озорини.
Унутар ҳажрингда чеккан аламини.
Борди-ю чимирсанг камон қошларинг.
Кипригинг ўк қилиб отсанг мабодо,
Эгилар мардларнинг мағрур бошлари,
Мунаввар бу дунё бўлур зим-зиё.
Ажабо! Бир сенда бўлмиш жамул жамъ
Дунё маъмурлиги саҳро сароби.
Баҳор иликлиги киш аёзи ҳам,
Даҳшатли ғазабу меҳр офтоби!

УМР ҲТАРКАН

Умр ўтаркан бевафо қиз каби доғда қолдириб,
Ичда йиллар армонлари турар дилни ёндириб,
Сўроқ қилиб юрагимни ҳол – жонига қўймайман:
Яшадингми бирор кимнинг тилагини қондириб?

Умр ўтаркан мисли диёр, қирғоқлардан беҳабар,
Ошноларни суғорар-у, ташна қолар ташналар,
Сўроқ қилиб юрагимни ҳол жонига қўймайман:
Сувдан сероб бўлолдингми ё бўлдингми бесамар?

Умр ўтаркан елдек йиллар қолар эсак серармон
Баъзан севганларинг бўлар экан сароб ё тўзон
Сўроқ қилиб юрагимни ҳол-жонига қўймайман
Сендан елдай баҳра олди, айтгил, қайси бир инсон?

Умр ўтаркан мисли чақмоқ юмиб-очгунингча кўз,
Баҳор кетиб, келар экан қиш элчиси олтин қуз.
Сўроқ қилиб юрагимни ҳол-жонига қўймайман:
Қолдирдингми одамларга нафъ бўларли битта сўз?

Юрак эса ҳамон баҳор ишқи билан масту хоб,
Жавоб бермас сўроғимга, бермас асло сарҳисоб...

ТҮРТЛИКЛАР

Осон эмас бўлмоклик сирдош,
Сир асрашга керакдир бардош.
Айтганларни такрорлаганчун,
Азиз тоғлар бўлгандирлар тош.

Ўзгаларнинг сири – омонат.
Омонатга қилма хиёнат,
Бу сўзларга қилмасанг парво,
Сенда бўлмас иймон диёнат

30.VI.1986.й.

ҚИШДА ГУЛЛАГАН БОДОМ

Изғирин қиш эди. Аммо январдан
Бошлади табиат янгича ўйин:
Иссиқ шабадалар эсиб сахарда,
Тортқилаб чўзарди майсалар бўйин.

Танаси қорайган, баргсиз ялонғоч
Дов-дарахт уйқуда осуда, қарахт.
Толлар ҳам тарамас сувга эгиб соч,
Ахир келмаганда уйғониш-чун вақт.

Аммо бодом эса уйғониб эрта,
Ҳали кўклам эмаслигин унутди.
Қишдан тинглаб ёлғин афсона, эртак,
Шабодага ширин бўсалар тутди.

Кўкрагида тошар кўклам севинчи,
Шохларига томирдан хаёт йўллади.
Кўклам келди деди – бузилди тинчи,
Оппоқ чодир бўлиб бодом гуллади...

Бирок қилди қиш ёвуз қишлигин
Бодом гуллар сўлди мева бўлмади.
Бодом шунда билди сўлишлигини,
Кўз ёш тўқди, аммо...аммо ўлмади.

1.VII.1986 й.

Мен не дерман, кўнглим не дейди?

Ишқ-оташдир, ёниб битарсан,
Адо бўлсанг, кейин нетарсан?
Қайларга бош олиб кетарсан?
Мен не дейман,
кўнглим не дейди?

Давринг ўтди келди заволинг,
Ўзгаларга келур малолинг,
Билиб қўйгил – вой бўлур холинг,
Мен не дейман
кўнгил не дейди?

Ўтган кунлар келарми қайта?
Сен кайда-ю муҳаббат кайда?
Ўтганда кўп, дейман, йўқ фойда,
Мен не дейман, кўнглим не дейди?

4.VI.1986 й.

ЎЗБЕКИСТОНГА

Кўл бўйида ўсган мажнунтол,
Чаман-чаман бодом гуллари,
Олмаларни юзидаги хол,
Пахтазорнинг сўкмок йўллари
Шу сенмисан, азиз Ватаним?
Ўзбекистон азиз масканим.

Ёт элларга тушса гузорим,
Талпинаман куш мисли сенга
Ўзинг ёлғиз бахтим, баҳорим
Сени десам дилда аланга
Сен ёрмисан, азиз Ватаним?
Ўзбекистон азиз масканим.

Хизматингни килолмас адо
Айрилмасам бир нафасга ҳам
Оёғингга этсам бош фидо,
Оқ сочларинг хидлаб силасам.
Сен онамсан, азиз Ватаним,
Ўзбекистон азиз масканим.

20.XII.1986 й.

Мангу бўлар биз-ла истиклол

Дунёда бир ажиб ўлка бор,
Бағри кенгу, дили беғубор,
Боғларидан аримас баҳор,
Бу жонажон Ўзбекистоним.
Темур бобом ёйдириб довруғ,
Айлаганди дунёда улуг,
Энди бахтга, икболга тўлик,
Бу жонажон Ўзбекистоним.
Қизлари хур, йигити лочин,
Иймони бут, эътиқоди чин,
Билмас эди недир ёвлик, кин,
Бу жонажон Ўзбекистоним.
Аммо калхат овлади уни,
Халк бошига солди кул кунин,
Унуттирди ўзин, ўзлигин,
Бўлди хароб Ўзбекистоним
Мангу тўсиб бўлмас қуёшни,
Энди мағрур кўтарди бошни,
Бахтли кўрди кексаю ёшни.
Бугун менинг Ўзбекистоним.
Энди бўлар сенга жаҳон лол,
Бошинг узра хумо-истикбол,
Мангу бўлар биз-ла Истиклол,
Яша озод Ўзбекистоним.

22.01.96.й.

Истиклолнинг меваси

Бир Ватан бор дунёда тенгсиз,
Бағри кенгдир гўёки денгиз,
Шу Ватанга эга сизу биз,
Истиклолнинг мевасидир бу.

Юрагидан кетгандир алам,
Бугун унга махлиё олам,
Саодату эрк топган одам,
Истиклолнинг мевасидир бу.

Энди озод меҳнат, тафаккур,
Йўлимизга иймон сочар нур,
Қадди тикка, бошидир мағрур,
Истиклолнинг мевасидир бу.

Бошда порлар эркнинг куёши,
Озод бугун юрт кекса ёши.
Доно раҳбар элда юртбоши,
Истиклолнинг мевасидир бу.

Истикболнинг бўлсин ҳар қачон,
Истиклолнинг бўлсин ҳар қачон,
Яша мангу, хур Ўзбекистон,
Истиклолнинг мевасидир бу.

ЮРАГИМДА

Юрагимда оташ, аланга,
Интиламан куйга, охангга,
Дил суст кетар боғу чаманга,
Ё баҳорнинг келгани ростми?

Сени кўрсам ёнар кўзларим,
Яна гулга розлар сўзладим,
Нурга тутдим яна юзларим,
Ё баҳорнинг келгани ростми?

Гуллар атри маст этар мени,
Жой топмасман уни қўйгани,
Дейман: қани дилим суйгани?
Ё баҳорнинг келгани ростми?

Умидларим товланар яна,
Орзуларим урар пўргана,
Тилакларим этар тантана
Ё баҳорнинг келгани ростми?

Дала яшил, кир боғлар яшил,
Дарё яшил, кирғоклар яшил,
Диллар яшил, кучоклар яшил,
Ё баҳорнинг келгани ростми?

12-13.03.93. й.

ТАШВИШ

1.

Ҳар бошда бир ўлим муқаррар,
Бас, ҳақиқат таслим этмоқ жон,
Яхши бахтин кўрмай кетсам гар,
Юрагимда шу бўлур армон

Ҳар бошда бир ўлим муқаррар,
Ажалдан йўқ ҳеч кимга омон,
Фақат бир ҳол дилимни эзар,
Нечун узоқ яшаркин ёмон?

Модомики ўлим муқаррар.
Ёмонни ҳам қолдирмас омон.
Аммо қалбим яна эзилар:
Гўри менга бўлур ёнма – ён

29.11.1992 й.

2

Тайиндир жон бермоқ келганда бир кун
Иложи йўқ казога ризо бўлмасдан
Ҳеч киши бўлмагай дунёга устун,
Абадий қолмаган ҳеч ким ўлмасдан.

Биров яхши яшар, қолдириб нек ном,
Бошқаси мундоқроқ яшайди фақат,
Барибир лаҳатга қўйилганинг он:
Қандай одам эди? Сўрашар албат.

Умр бўйи бўлдинг менга кушанда,
Мен ҳақда сўзладинг ёлғону қилбир,

Сендан илтимосим, дўстим, ўшанда:
Ёмон одам эди, дегил. Одамлик қил бир!

16.04.1998

**Икки қуён ҳақида
(Масалнамо шеър)**

Ўрмонда яшарди иккита қуён,
Зохирда фарқи йўқ ҳеч ўзгалардан,
Бироқ иккисида орзу бор пинҳон;
Бошлик бўлмоқликни исташар ҳар дам.

Бошликқа ёрдамчи бўлиб бир кун
Бир тулки ўрмонда топди эътибор.
Ялаб қуёнвойлар тулкининг думин,
Бўдилар айёрга чин фармонбардор.

Еган оғиз ахир уяларкан-да
Тулки қуёнларни этди ўнбоши.
Доимо бирисин оғзида ханда,
Бошқаси керади ҳар дамда кошин.

Аммо қуёнчалар йиғилиб бир кун
Думини тугишди улар иккисин.
Шундами қуённинг думини тугун,
Балки бошқадандир.
Яна ким билсин...

28.10.1992 й.

ОҚШОМДАГИ ҲЎЛАР

1

Икки бор келмайди дунёга одам,
Бир йилда икки ёз келмаган каби.
Ва ёки бўлмайди такрор ёшлик ҳам,
Дарё орқасига елмаган каби.

Умр ҳам боғлиқмас мангу кезларга,
Бир куни етарди интихога у.
Юлдуздай чакнаган уйғоқ кўзларга,
Охир муҳр бўлар абадий уйқу.

Умр ҳам, ёшлик ҳам, амал, ҳам камол,
Бевафо севгидай тарк этар бир кун.
Яхшилик қолади фақат безавол,
Шуни ўйламайсан, одам, не учун?!

2

Умр бўйи от минмокни орзу қиларди,
Юрагин ўртарди отлиқлар доим.
Орзу-ярим ризк дейдилар ушалиб дарди
Эшак насиб этди унга худойим.

Эшак минди, лек тўлмади юраги курғур,
Отлиқларга рашки сўнмади асло.
... Ажаб дунё: ўз холингга қилмасанг шукур,
Эшакни ҳам олиб кўяркан худо!

Сен у ёнда, мен бу ёнда.
Ўртада дарё.
Дарё эмас, у гўёки
Поёнсиз сахро.
Кўзларимдан ўрин олган
Кўзинг бежавоб.
Етолмайман висолингга.
Сен гўё сароб.
Дарё бўлса, кўз ёшимдан
Балки томчидир.
Сахро бўлса, бағрим ўти,
Дил ўкинчидир.

- Кимни севдинг, кимга бор майлинг.
Кимни бахт деб танладинг, кунгил
Мажнун бўлдинг, ким эрур Лайлинг
У кандайин гўзалдир, эй дил?
-У баҳорнинг гулидай маъсум,
Табассуми тонг каби ширин.
Ҳаётимга у берур мазмун
Ватанимга Мажнунлигим чин.

28.1.1987 й.

“ИККОВИНГ МЕНИКИДИРСАН”

Марза тепасида иккита деҳқон,
Тортишар эдилар меники деб ер.
Бириси дер эди: “Сўзларнинг ёлғон,
Отамдан мерос бу, ер меникидир”.

-Йўк-дейди бошқаси, - қарайди менга
Бу ернинг ҳаммаси. Эл билар буни,
Бир қарич тушмаган сенинг чекинга,
Унутма, кўшнижон, қиёмат кунин.

Хулласи, бир-бирни қилишиб инкор,
Униси ишонмас бунинг важига.
Бир ерга сўзлари топмасди қарор.
Жанжал тўхтамасдан чиқиб авжига.

Бир кекса донишманд келиб шу маҳал,
Уларга маслаҳат бериб шундай дер:
-Йўл бордир жанжални қилмоқликка ҳал,
Сўрангиз ўзидан, жавоб бериб ер.

Икковлон баровар сўрашди ердан:
-Айтгин-чи, эй ер сен кимниқидирсан?
Гулдираб жавоб ҳам чиқибди бирдан.
-Билиб қўй: иккивинг мениқидирсан!

5 май 1997 йил

БАЛЛАДАЛАР

“ТЕГИРМОН ТОШИ ШОИР”

Наманганда 50-60-йилларда бир колхознинг республикада донг таратган раиси бўларди, Наманганда бўлган учрашувлардан бирида гап орасида у устоз Гофур Фуломга шеърни ёмон кўришини айтиб юборди. Бироздан сўнг ўртадаги нокулайликни йўқотиш мақсадида бўлса керак, раис тиржайиб: “Мен ҳам шоир бўлсам бўларкан” - деди. Ўшанда Гофур Фулом унга: “Сиздан шоир чиқмасди. Борди-ю чиққан тақдирда ҳам, тегирмон тоши шоир бўлардингиз,” – деб қуйидагиларни ҳикоя қилди:

Хай десангиз, жуда қадим замонда,
Шоҳ бўларкан шу сизларнинг томонда.
Бўлар экан унинг доно вазири,
Вазир аклин подшо экан асири.
“Ўғлим бўлса вазир каби”, - дер экан
(Ўғлин отин Абдунаби дер экан).
Бир кун чорлаб вазири –мардини,
Ошкор кипти корнидаги дардини:

-Сиздай доно бўлса дейман ўғлимни,
Сиздай якто бўлса дейман ўғлимни.
Таълим беринг, ўзингиздай бўлсин ул,
Ўғил бўлса, сиздай бўлсин у ўгил.

Вазир депти: “Майли, синаб кўрайин,
Фаросатин силаб-сийпаб кўрайин ”
Шаҳзодани килибдилар рўбарў,
Унга қараб вазир сўраб копти ўй.
-Бир чойнак чой дамлаб келинг, шаҳзодам,-
Буюрибди вазир унга ўша дам .

Чой келибди, лек пиёла йўк эмиш,
Буни кўриб вазир шохга демиш,
-Олим бўлар балки мулло Набижон,
Аммо доно бўлолмади ҳеч қачон.
-Нега бўлмас экан?
Борми сабаби?
-Ха, бор, -дейди вазир тутилиб гапи.
Сабаб шуки, фаросати йўқдир асло,
Шунинг ундан чиқмас сира доно.
-Ўқитасиз ! Ўргатасиз ! Вассалом !
Ўн йил мухлат сизга ! Жўнанг !!
Гап тамом !!!
...Ўн йил ўтди. Ёдлади Абдунаби
Китобларни худди устози каби.

Ҳеч колмайди ўрганмаган бирор фан,
Сабок олди илмларнинг баридан.
Шохга вазир топширди фарзандини,
Қувонибди қўриб шох дилбандини.
Сўнг саройда қилмоқ бўпти имтиҳон,
Тўпланибди қанча ашрофу аъён.
Қўрсатмасдан шахзоданинг қўзига,
Шох чиқариб бармоғида узугин,
Яширибди уни ўнг қўл кафтига
Шундай депти:
“Сизга, ўғлим, уч савол,
Жавоб беринг ўйлаб қўриб бемалол.

Биринчиси: нарса қайси қўлимда?
Лек сўраманг жавобини ҳеч қимдан!”
Абдунаби қўлга олиб қалам, қоғоз,
Сарф этибди ҳисобларга вақтин бироз.
Кейин депти:
“Ўнг қўлдадир ўша нарса”.
“Тўғри!” депти шох ҳам хурсанд чалиб қарсақ.

“Энди, ўғлим, шаклин айтинг нарсанинг”.
Яна ўғил ҳисобларга шўнғибди денг.
Ва айтибди: Тўғарагу, бор тешиги
“Қалай?” – депти вазирига шох тегишиб.
“Билса бўлар буларни илм йўли билан,
Шахзодаги булар барин ўргатганман.
Ҳай, учинчи сўроққа ҳам етти навбат,
Топмоқ учун керак бўлғайдир фаросат”,
Вазир сўзин тугатибди.
Шу ондаёқ
Берилибди шахзодага шундай сўроқ:
“Ўша нарса, хуллас, айтинг, нима экан?”
Қўкрагига урилгандан аччиқ тикан,
Тўлғонибди шахзода.
Сўнг хона бўйлаб
Бориб келар эмиш у ўй ўйлаб.
Дўписини олиб бошин қашир эмиш,
Подшо эса ич-этини ғажир эмиш,
Бирданига тик кўтариб ўғил бошин
Дадага дер:
“Тегирмоннинг удир тоши!”
Ғазаб билан қичкирибди подшо шу пайт:
“Йўқол бундан, эй хомқалла бефаросат!
Сигармиди муштумимга ўшандай тош!”

Шундан қилиб, хикоя ҳам бўлди одош!

Июнь, 1994.

Кўркиб – писиб бу кўшиқни куйларда бахши,
 Инграб фиғон чекар эди унинг дутори.
 Ўрнаб қолган эканмикан юракда накши,
 Баъзи вақтлар тутар эди унинг хумори.
 Бахши бобо тарк айлаган фоний дунёни,
 Лекин қалбда ҳали-ҳануз унинг достони.

Бугун энди ўзим бобо, ўзим шоирман,
 Айтсам булар Қалдирғочнинг мунгли қиссасин.
 Деёлмайман бахши каби сўзга мохирман,
 Лекин айта олсам керак бобом ғуссасин.

- От чопса, гумбурлар тоғнинг дараси,
 Қийин кунда билинади одам сараси.

Шундай саралардан эди Қалдирғоч,
 Чумоли бел, ғунча даҳон, ерга тушган соч,
 Қомати сарв, юзлари ой, кошлари камон.
 Поплик бу қиз сингарин кўрмаган жаҳон.
 Ўн саккиз минг олам ҳусни эди ўзида,
 Бол томарди тилларидан, айтган сўзидан.
 Баҳор келган Қалдирғочдай эди у сулув,
 Ўйигитларнинг юрагида эди у ғулув.
 Лекин бахтли Лочин деган рафиқи билан,
 Ва бир яшар ўғилчаси – Шафиқи билан.
 Қирчиннинг кенг қирларида Лочини чўпон,
 Хуллас, бошлар кўкда яшар эди. Учовлон.

- Ўрис олиб Кўконни,
 Тўккан эмиш кўп қонни.
 Иснод йигит деган ном,
 Юртга тикмасанг жонни, -
 Деда лочин ёрига,
 Ёлғизи, дилдорига.
 Ўғлин босди кўксига,
 Деди:
 - Ёрим, ўксима,
 Жанг бўлмагай бехатар.
 Шаҳид бўлсам, мен агар,
 Шафиким бўлгач катта,
 Ўчим олсин албатта.
 Ўлмай қолиб, қайтсам гар,
 Бўлсам агар музаффар.
 Доим бирга бўлармиз,

Бахтли ўйнаб кулармиз.
Силаб ёрин сочини,
Ташлаб Қалдирғочини,
Лочин кетди. Қўконга,
Душман турган томонга.
Қалдирғоч йиглаб колди,
Бағрини тигла колди.
Қалдирғочнинг канотлари,
Э вох, бевакт қайрилди,
Қалдирғочим, Лочинидан,
Э вох, бевакт айрилди.

Тунда келиб уч-тўрт дўсти
Дафн эттилар лошини,
Ёвлар кесиб ташлаганмиш
Лочинининг бошини.

- Сирдарёнинг ул юзида
Уйларингиз.
Оқаришиб кўринади.
Бўйларингиз.
Қани Қирчин қирларини
Жаранглатган,

Юрак – бағримни ўртаган
Куйларингиз?
Сирдарёнинг бўйларида.
Бир боғим бор.
Тўлин дарё бўлсам агар,
Қирғоғим бор.
Лочиним-чун ўч олмасдан
Кўймагайман,
Лочин деган белларимда
Белбоғим бор.
Сирдарёдан ўтган эмиш
Бугун ёвлар.
Йўлларига менинг ўчим
Бўлсин ғовлар.

Чўл ичида якка ўсган дарахт куйи,
Йўл четида Қалдирғочнинг ёлғиз уйи.
Кенг ховлига солди тўкин дастурхонни,
Осиб кўйди ёғ, гўшт тўла дош қозонни.
Тандир-тандир ёпти қайроқ ундан нонлар,
Саночларда қимиз, хумда ях айронлар,
Очу ташна ёвлар кириб лолу хайрон,
Кўз олдида озик тўла кенг дастурхон.

- Мехмонларин сўрар ундан сарик тилмоч,
- Қирга қочиб кетишгандир, - дер Қалдирғоч.
- Овқатларинг захарланган, - дейди тилмоч.
- Майли, ўзим еб кўрсатай, - дер Қалдирғоч,
- Болангга ҳам едир, - дейди яна тилмоч.
- Хўп бўлади, едираман, - дер Қалдирғоч,
Овқатдан еб, боласига берар кимиз.
- Бўлди, сенга, сарт аёли, ишонамиз.

Барча ёвлар дастурхонга ташланади,
Шундай килиб, чин интиком бошланади.

Захарланган ёвлар битта қолмай ўлди,
Қалдирғочнинг интикоми шундай бўлди.

Ўша баҳор Қалдирғочлар келган замон,
Қалдирғоч ҳам, боласи ҳам бўлди қурбон.

Сирдарёнинг қирғоғида
Бир боғим бор,
Юрагимнинг пучмоғида
Бир доғим бор.
Ўша боғим, ўша боғим-
Қалдирғочим,
Ўша, доғим, ўша доғим-
ҚАЛДИРҒОЧИМ...

31.XII.94

ШОҲ ВА ШОИР

Бир кун тонгда кириаб келмиш Бойқаронинг қошига
Қўллариди даста қоғоз Мажидиддин жонсарак.
Гўё тушган каби пашша еяётган ошига,
Ҳаяжондан оқар эди терлар юзидан чак – чак.

Кутилмаган бу ташрифдан Бойқаро лол, хайратда,
Салом алик тамом бўлгач, шоҳ тутади саволга.
Мажидиддин жавоб қилди:
-Кечиктирмай, албатта,
Навоийнинг ҳаётини тез етказинг заволга.
Зилзилалар ларзасига тушар шохнинг юраги.
Навоийни ўлдирмоқни кимга бўлди кераги?
Гуноҳи не Навоийнинг? Ё қилдими хиёнат?
Гапир агар сенда бўлса заррагина диёнат!

-У тиникдир кўз ёшидай, гўдак каби бегуноҳ,
Лекин мени бошқа нарса солмоқдадир ташвишга.
Ўқиб чикқач Навоийнинг ғазалларин улуғ шоҳ,
Дедим зарур етказмоқлик унинг бошин қиличга.
- Ҳўш Навоий ғазаллари ёқмадим, ёмонми?
- Билъакс, шоҳим, улар буюк, юксак куёш мисоли.
Ёритгуси кўзларни-ю, яйратгуси руҳ, жонни,
Уни кутар келажакда тенгсиз шуҳрати олий,
Навоий ёш ҳали, уни танимади кўпчилик,
Лек бўлгуси шеърятти олам ичра бир уммон.
Боши олмай қолдирилса ёшлигида у тирик,
Шуҳрати-ла қоплангайдир истикболда ер – осмон.
Бинобарин шуҳратингиз, шавкатингиз, шонингиз,
Хира тортар Навоийнинг шуҳратининг олдида.
Комил бўлсин сўзларимга, азиз шоҳ, имонингиз,
Тадорикин қилиш керак шу сабабли олдиндан.
Келажакда бирор киши: «Хусайн ким?» - деб сўраса,
«Навоийнинг давридаги подшо эди», - дейдилар.
Ростин айтсам, шу нуқтаси бузар айникса асаб,

Шу сабаблар, улуг шохим, юрак – бағрим ейдилар.
Мушоҳада қилгач Ҳусайн, Мажидиддин сўзини,
Шодон деди: Э, хайрият, яратганга ташаккур!
Насиб этмиш давримизга шеърят юлдузини,
Унинг шарофатила, номимиз мангу қолур.
Наср Сомоний ўлмади, Золим Махмуд абаддир,
Иккисига Рудакий, Фирдавсий баҳонаси.
Бас, шоирни хор этмак, ўлдирмак жиноятдир,
Уларнинг бокийлиги бизга ҳам бўлсин насиб!

Шундай қилиб ўлмай қолди ёшлигида Навоий,
У баҳона номи ўчмас бўлиб қолди Байқаро,
Бири куёш бўлиб қолди,
бири юртимнинг ойи ...

Ўтмишда кўп бўлган бундай қизик - қизик можаро.

8.II.95.

СҮНГГИ АРМОН

Уч кундурки ота келмас ўзига,
Ёнар уту чўғу олов ичида.
Жаҳон тордир Акбархўжа кўзига,
Лек ўтирар азобларга у чидаб.
Базўр хайдар кўзларидан уйкуни,
Хайдагандай пашшаларни бемордан.
Муқимий-чи, кун-бакун сўниб,
Дори-дармон, куф-суф бермади ёрдам.

“Не ҳам кўрди бекас отам дунёда,
На оила, на уйи бор, на моли.
Ё оллоҳим умрини қил зиёда.
Ва дунёдан кетказмагил армонли.
Банда борки ўлим эрур мукаррар,
Лек бўлмасин отагинам дармонда.
Орзулари юрагида бўлса гар,
Бер, оллоҳим, у кетмасин армонда”.

Қулоғига элас-элас киради
Бемор ота инграгани оғриқдан.
Чўчиб тушди Акбархўжа юраги,
Шоир оғзин очар кап-кап балиқдай
Базўр очди кўзларини Муқимий,
Неларнидир пичирлайди лаблари.
Гарчи кулок қилмиш бору йўғини,
Англай олмас отасининг гапларин.
“Варак...варақ” деганини ажратар
Акбархўжа,
Бошқасини англамас,
Қоғоз олиб отасига кўрсатар.
Шоир эса овозини қилиб паст,
“Сомса” сўзини айта олди ниҳоят.
- Э, ҳа, бўлди, емоқчисиз варақи,
Яъни сомса Э, ҳайрият, ҳайрият.

Тонг отарга қолди жуда ҳам яқин,
Нонуштага албат олиб келаман.
Даво бўлса дардингизга у зора ...

Бозор кезар расталарни айланар,
Фарзинчани тополмайди бечора.
Тунга яқин Фарзинчага келди дуч:
Дадам вараки сомса ейман дейдилар,
Олай десам чўнтак қуғур бўм-бўш, пуч
Уч тўрт тийин бериб тулинг, бўлса гар.

Акбархўжа сўзин тугатмасданок,
Фарзинча дер:
- Тезда боринг хужрага,
Варакани ўзим олиб хозирок,
Ортингиздан боргум ...

Йўлда учраган
Танишларни жанозага айтарди.

Элни севган шундай улуғ бир инсон
Фонийликдан боқийликка қайтарди,
Ушалмасдан сўнгги кичик бир армон.

Август, 1994.

Тун яримдан ўтган. Зимистон.
 Юлдузлар йўқ.
 Кўринмас қамар.
 Булут билан тўсилган осмон,
 Яқинлашиб қолганди сахар.
 Куйиб-ёниб шамъ тўқар кўз ёш,
 Ғариб эрур қоғоз ва қалам,
 Айлай олмай дил розини фош,
 Юрагини кемирар алам.

“Нечун ошиқ майнинг жомига
 Суянганим, боғим, баҳорим?
 Наҳот теккан бўлсам жонига,
 Наҳот кетмиш ёрлик оҳорим?
 Агарда мен малика бўлсам,
 Ахир сизсиз бошимдаги тож.
 Ёлғизликда гул мисли сўлсам
 Фақат сизга бўлгайман мухтож ...”

Нодиранинг дилида шу ўй,
 Шу ўйи билан банд эрур юрак.
 Аммо ҳамон рутубатда ўй,
 Умархондан ҳамон йўқ дарак.

... Умархон банд шоирлар билан,
 Шеър ўқийди, сипқаради май.
 Гоҳ Адодан, гоҳо Фазлийдан
 Мактовларни тинглар пайдарпай.
 Нодираси чиққан ёдидан,
 Қасидалар кўмган хаёлин.
 Мактовларнинг гирди бодида
 Унутган у ёлғиз аёлин.
 Айланди коса даврада,
 Қўшиқларга уланади куй.

Тун ярмидан гарчи ўтса-да,
 Тарқалмасди ҳамон шеърий тўй.

Ва, ниҳоят, икки мулозим,
 Умархонни турғизди аранг.
 Зўрға юрар юраги озиб,
 Ақли карахт, мияси гаранг.
 Масту аласт киргани ҳамон,
 Нодирага ташлади назар.
 Гўё унга туюлди шу он,
 Нодираси қилгандай ҳазар.
 - Ёкмадимми айшу ишратим?

Майдан айнир балки дилингиз?
Гар ёкмаса май ва шавкатим,
Билганингиз қилиб кетингиз!
- Узрим қабул айланг, амирим...
- Сизмас ортик сўзлар ўртага!
- Сиз эримсиз!
Сиздирсиз пирим!...
- Кўз ёшингиз энди жўрттага...

Олиб кетинг Андижонга не
Бўлса Сизга суюкли, матлуб,
Мени кўйинг энди тинч холи,
- Майли, дейман гапингизга хўп...

... Гижирлайди қўқонарава,
Андижонга йўл олган карвон,
Ақли шошган, фикри калава,
Бу не хол деб хайрон Умархон.
- Бораяпмиз қаёққа бегим?
- Андижонга, шохим
- Не учун?
- Энди Сизга йўқмиш керагим,
Жавобимни бергансиз бу тун
- Хай, шундай деб ўйлайлик, майли,
Унда нега кетяпман мен ҳам?

- Бу иш хохишингиз туфайли ...
- Гапларингиз бағоят мубҳам ...
- “Олиб кетдинг Андижонга не
Бўлса сизга суюкли матлуб”, -
Деганингиз ростми ва ё не?
Менга эса фақат сиз марғуб.
Тонгда ёлғиз матлубим олдим,
Буйруғингиз бажо айлабон
Андижонга, мана, йўл олдим.

Шунда билди не гап Умархон
Бу ақлга, заковатга,
Эр бошини эгди Умархон ...
Энди карвон орқага қайтган,
Йўлга тушган у Қўқон томон.
Йиллар ўтди, йилларга пайваст,
Замонларга уланди замон.
Ҳали-ҳали оғиздан тушмас.
Яшаб келар бу ширин дoston.

Июн, 1994.

I

Тахти узра ғамнок чекиб дард,
 Кўз ёш тўкиб ўлтирар жўмард.
 Юрагини алам эзади,
 Соколидан ёшлар сизади.
 Гарчи бошида тожи-кулоҳи,
 Устун эди осмонга охи.
 Чора топмас дардига подшоҳ,
 Юрагидан чиқар ўтли ох.
 Аъёнларнинг бошлари хамдир,
 Барчасининг кўзлари намдир.
 Қил сигмайди ҳеч ким дилига,
 Гўё олам ғарқ ғам сенига.
 Тахтдаги у жўмард Бобурдир,
 Бу аламқаш сердард Бобурдир.
 Жаҳонгашта, шоир, саркарда,
 Ҳиндистонда шоҳ назаркарда.
 Етар чўзса нега қўлини,
 Тўса олмас ҳеч ким йўлини.
 Иродасин тўсмоққа ҳад йўқ,
 Йўлларини тўсмоққа сад йўқ.
 Хўш, не учун Бобур чекар ғам?
 Хўш, нечун қалбида алам?

II

Суюк ўгли Ҳумоюн касал,
 Боши узра чарх урар ажал.
 Барча улўғ табиблар шунда,
 Бироқ кетмас дард Ҳумоюндан.
 Кўкка ўрлар Бобур ноласи,
 Шамдек сўниб борар боласи.
 Валиаҳди, ишонган боғи.
 Келажаги, умрин чароғи,
 Шоҳ кўтариб бошини вазмин,
 Элга айтар қарору азмин.
 «Бандага қисмат Оллоҳ изни,
 Белгилар у тақдиримизни».
 Деган: «Сендан ҳаракат», Худо,
 Бандадан дардга тиладик даво,-
 Сўнг оғир хўрсинди Бобур,
 Дунёда мен кўп кўрдим сурур
 Бечора Ҳумоюн не кўрди?
 На даврону на давр сурди.
 Мен берай жон Ҳумоюн учун,
 Майли, мен ўлай, қолсин Ҳумоюн».

Ох уруб аёнлар этиб рад,
Сўзламокка килдилар журъат.
«Улуг шохим, қайтинг бу сўздан,
Халкни денгу кечмангиз ўздан.
Қурбонлик қилиб сўйиб моллар,
Садака қилинг бойликлар, моллар!»
Бобур кўнмай чайқар бошини,
Ўзга аён тўкиб ёшини,
Таъзим қилиб Бобурга дейди:
«Ғам юракни эзади, ейди»
Хумоюн – чун ҳар нарса фидойи,
Топса бўлди дардига даво.
Ҳиндистоннинг шарафи – шони,
Қудратимиз рамзи, нишони.
Бир бойлик бор дунёда ёлғиз,
- Биз пуғстмиз-у, у эрур мағиз.
Қанча шохлар уни деб қурбон,
Қилгандилар жону хонумон.
Ўша бойлик, гўзал кўхинур...
Аён сўзин тўхтатар Бобур:
«Йўқ, Кўхи нур – Ҳиндистон шони,
Ундан азиз эмасдир жоним».

Эл дегай: «Хор бўлган Кўхи нур.
Подшо бўлган замонлар Бобур.
Бу иснодга чидамам асло,
Бу исноддан сакласин худо!»

III

Улуғ подшо ўрнидан турди,
Бемор ётган хонага юрди.
Кўз ёш тўкиб қучиб боласин,
Фалакларга учди ноласи:
«Қодир эгам, тингла зоримни,
Сенга фидо этай боримни.
Давлатинг-чун беҳад шокирман,
Шавкатингдан шохман, Бобурман.
Карамингдан қилдинг сарафроз.
Шукрингни лек мен айладим оз.
Болалиқдан мени шох эттинг,
Бахт, иқболга сен хамроҳ эттинг.
Шеър боғига қилдинг андалиб,
Алишерга айладинг қариб.
Афғон юрти, хиндлар диёри
Фармонига олинди бори.
Бир бандага шунчалар карам,
Бениҳоя шукурлар эгам!

Лекин менман ношукур банда.
Ўғлим умри сўниб турганда,
Эшит менинг зор ила охим,
Менинг жоним олгил, Оллохим.
Хумоююн-чун ол менинг жоним,
Ўлай мен, ўлмасин ўғлоним.
Ўғлинн деб кечайин тахтдан,
Подшолик, шуҳрату бахтдан.
Ўлайин мен, қолсин Хумоююн,
Жоним олгил Хумоююн учун!
Бемор ўғил атрофини шох
Айланди уч бора чекиб ох.
Шох кизлари Гулранг, Гулбадан
Кўздан тўқар ақиқи Адан...
О, мўжиза кўрсатди юзин,
Очди бемор Хумоююн кўзин.

Хона ичра таралди бир нур,
Шукур айтиб, тиз чўкди Бобур.
Деди: «Етти додимга худо,
Хумоююнга у берди шифо.
Ўғлим, умринг пойдор бўлсин!
Сенга шодлик доим ёр бўлсин!
Дуоларим бўлсин соябон.
Мен ўлсам-да, сен бўлгил омон!»

V

Қизлар сизди Бобурдир беҳол,
Оёқ кўлдан кетгандир мажол.
Юзларидан кетмиш қизил ранг,
Суяб уни туғизиб аранг,
Етаклашди қўшни хужрага
Энди Бобур дардга учраган...
Соат сайин Бобур бедармон,
Хумоююн-чи, ўлимдан омон.
Нур кетади Бобур кўзидан,
Аста-аста борар ўзидан.
... Уч кун ўтди орадан охир,
Ажалга жон топширди Бобур
Соғлом, дуркун шахзод Хумоююн,
Борар тобут ортида махзун...

Ота қилмиш унга жон фидо
Унга жаннат насиб эт, худо!
Бобур умрин шундай тарк этди,
Ёши энди эди қирқ етти...

Июнь 1994 йил

МУҲДАРИЖА

Аруздаги ардоқларим.....	3
Ҳусн бўстони (ғазаллар силсиласи).....	12
Мухаммаслар.....	27
Бармоқдаги ардоқларим.....	33
Онамга.....	33
Савол.....	33
Орзу.....	34
Ёшгина қиз.....	34
Манзара.....	35
Парда ёпилиши олдидан.....	35
Аёл ҳақида ўйлар.....	36
Умр ўтаркан.....	36
Тўртликлар.....	37
Қишда гуллаган бодом.....	37
Мен не дерман,кўнглим не дейди?.....	38
Ўзбекистонга.....	38
Мангу бўлар бизла-истиқлол.....	39
Истиқлолнинг меваси.....	39
Юрагимда.....	40
Ташвиш.....	41
Икки қуён ҳақида.....	42
Оқшомдаги ўйлар.....	43
Иккиовинг меники дирсан.....	44
Балладалар.....	45
Тегирмон тоши шоир.....	45
Қадирғоч.....	47
Шоҳ ва шоир.....	50
Сўнгги армон.....	52
Муҳаббат достони.....	54
Фидойий ота.....	56

